



EFFECTIVE MECHANISM OF POSITIVE EVALUATION IN THE OPEN BUDGET INDEX IN ENSURING THE TRANSPARENCY OF THE STATE BUDGET

Pardaev Umidjon Uralovich

Associate Professor of the the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan (APA), PhD

ORCID: 0000-0003-3989-3072

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА БЮДЖЕТ ОЧИҚЛИГИ ИНДЕКСИДА (OPEN BUDGET INDEX) ИЖОБИЙ БАҲОЛАНИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Пардаев Умиджон Уралович

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқарув академияси доценти, PhD

ORCID: 0000-0003-3989-3072

Abstract: This article describes the reforms to ensure the participation of the Republic of Uzbekistan in the index of budget openness, in particular, the mechanisms of working with the general public in ensuring the transparency of the state budget. Also, the measures and recommendations of international organizations that need to be implemented for a positive evaluation in the budget openness index of our country are presented. The purpose of the study is to develop proposals and recommendations aimed at ensuring the transparency of the state budget and taking a high place in the budget openness index.

Key words: Budget openness index, state budget, budget expenditures, budget literacy, budget for citizens, initiative budget, volume of budget information, budget literacy, budget transparency, budget project, budget document.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда Республикасининг бюджет очиқлиги индексида иштирокини таъминлаши борасидаги ислоҳотлар, хусусан, давлат бюджети шаффоффлигини таъминлашида кенг жамоатчилик билан ишлаш механизми бўён этилган. Шунингдек, мамлакатимизнинг бюджет очиқлиги индексида ижобий баҳоланиш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ва халқаро ташкилотлар тавсиялари келтирилган. Тадқиқотнинг мақсади давлат бюджети шаффоффлигини таъминлашида ҳамда бюджет очиқлиги индексида юқори ўринни эгаллашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Калим сўзлар: Бюджет очиқлиги индекси, давлат



бюджети, бюджет харажатлари, бюджет саводхонлиги, фуқаролар учун бюджет, ташаббусли бюджет, бюджет ахборотининг ҳажми, бюджет саводхонлиги, бюджет шаффоғлиги, бюджет лойиҳаси, бюджетнома .

Давлат молияси молиявий ресурсларидан фойдаланиш борасида доим маълумотлар асимметрияси мавжуд бўлиб, ушбу маблағлардан фойдаланиш жараёнида жамоатчилик ролини ошириш, уларнинг хоҳиш-истакларига кўра молиялаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Давлат бюджети тўғрисидаги ресурслар ҳажми ва улардан фойдаланишда жамоатчиликнинг хабардорлигини англатувчи индекслардан бири сифатида “Бюджет очиқлиги индекси” (Open budget index) ҳисобланади.

Бюджет очиқлиги индекси - бу дунё миқёсида молиявий шаффоғликини қиёсий ва мустақил баҳоловчи ҳамда миллий миқёсдаги иштирокни назорат қилувчи ягона манба саналиб, мазкур индекс мамлалкатларни баҳолаш учун белгиланган амалий саволларга жавоб берувчи мустақил тадқиқотчилар томонидан олиб бориладиган рейтинг ҳисобланади. Мамлакатнинг “Бюджет очиқлиги индекси”даги (Open budget index) даражасини саккизта асосий бюджет тўғрисидаги ҳужжатларини тегишли ҳукumat веб-сайтида ўз вақтида ҳамда омма учун очиқ маълумотларнинг бўлган

тўлиқлигини таъминлаш даражасини кўрсатади.

Бюджет очиқлиги индексининг асосий мақсади бу демократик жараёнларни амалга оширилишининг амалда қўриниши бўлиб, давлат молияси тизимидан сарфланадиган маблағларнинг ижтимоий адолатни таъминланишига хисса қўшади. Шунингдек, ушбу маблағларнинг сарфланиши юзасидан шаффоғлик ва ҳисобдорлик ҳолатини мустақил равиша баҳолашни ифодалайди. Мамлакатда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишда молиявий ҳисобдорлик бўйича илмий тадқиқот, ННТ, ОАВ ва парламент орасида консенсус ҳосил қилиб, ҳукumatga яхшиланиши зарур бўлган кўрсаткичларни ва тегишли амалга ошириладиган чоратадбириларни кўрсатишга хизмат қиласди. Бюджет очиқлиги индексининг давлат ва фуқаролик жамияти учун яна бир манфаатли томони шундаки, у жамоатчилик аъзоларининг ҳукumat томонидан тақсимланаётган ва сарфланаётган молиявий ресурсларга бўлган ишончини оширишга хизмат қиласди.

Юқорида айтилган каби, бюджет очиқлиги индекси (Open Budget Index-OBI)да иштирок этиш ва ушбу рейтингда юқори ўринларни эгаллашнинг бир қанча иқтисодий сабаблари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳимлари куйидагилар ҳисобланади:

- Бюджет очиқлиги ҳукumat молиявий маблағларнинг сарфланиши шаффоғлиги ва ҳисобдорлигини яхшилайди;



- Мамлакатда коррупция даражасини туширади;
- Иқтисодий ўсишга олиб келади;
- Бюджет тушумларини ошишини таъминлайди;
- Ижтимоий тенгсизликни қисқартиради;
- Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам “Бюджет очиқлиги индекси” (Open budget index) га киришда қатор меъёрий-хукуқий хужжатлар қабул қилинган бўлиб, жамоатчилик учун барча маълумотлар ва хужжатларнинг чоп этилмоқда. Ушбу соҳада дастлабки қадамлардан сифатида 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-3917 сонли Қарори бўлди. Ушбу қарор асосан бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, бюджет маблағларини шакллантириш ва ижро этиш устидан парламент ва давлат назоратини кучайтиришга қаратилди. Ушбу ислоҳотлар натижасида қуйидагилар амалиётга жорий этилди:

– 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизми жорий этилди;

– 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ахборотлар батафсил баён этилган, илғор халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган қонун билан тасдиқланади;

– Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига тақдим этилишидан олдин мажбурий жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши шартлиги белгиланди;

– Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилина бошланди;

– Мамлакатимизда ҳам фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш, уларни бюджет соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида 2019 йилдан бошлаб аҳоли учун тушунарли ва содда кўринишда маълумотларни ёритиб бераётган “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри чоп этиб келинмоқда. Бугунги кунга қадар жами **14 та**



нашр чоп этилиб фуқароларга ҳавола этилди¹.

— Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солик ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот юзасидан ташқи аудит ва баҳолаш натижалари бўйича хуносалари мажбурий эълон қилинди.

Ушбу соҳада кейинги қадам сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4210-сон қарори бўлиб, унда мамлакатнинг халқаро рейтингдаги ўрнини яхшилаш учун ҳамда миллий мониторинг тизими фаолиятини ташкил этишининг дастлабки босқичи сифатида республикадаги тадқиқот институтларига алоҳида халқаро рейтинглар биректирилиб, “Бюджет очиқлиги индекси” (Open budget index) га Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солик тадқиқотлари институти биректирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини

таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4273-сон қарори билан давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун мамлакатнинг обрўсини ва инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган ислоҳотларни янада чукурлаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида давлат бюджетининг режалаштирилган давлат харажатлари, давлат бюджетининг ижроси ва давлат мақсадли жамғармаларининг ижроси тўғрисидаги маълумот ҳамда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харидларга тегишли маълумотлар жойлаштириш белгиланди.

Молия вазирлиги томонидан жамоатчилик эътиборига бюджет ҳужжатлари очиқлиги орқали таъминлаш мақсадида 2019 йилдан “Очиқ бюджет” ахборот портали (www.openbudget.uz) ишга туширилди.

Бунинг натижасида “Бюджет очиқлиги индекси” (Open budget index) ислоҳ қилиш методологияси тавсиясига мос ҳолда, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солик ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг

¹ Фискал стратегия 2023-2025./[Opendudget.uz](http://opendudget.uz) - “Очиқ бюджет” ахборот портали -



хулосаларини жойлаштириш орқали бюджет харажатларининг манзиллилиги устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилди. Шунингдек, жамоатчилик фикрини шакллантириш учун туман (шаҳар)лар бюджетларининг кўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиш таклиф этилаётган тадбирлар тўғрисидаги ахборотни жойлаштирилмоқда. Бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш имкониятини яратиш мақсадида фуқаролар билан қайта алоқани ташкил этилди.

2021 йилдан бюджет жараёнида жамоатчилик иштирокини янада оширишда туман (шаҳар) бюджет харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш белгиланди.

2021 йил 1 июлдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари кўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фоиздан 30 фоизга оширилди.

2023 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетларининг 5 фоизи, лекин ҳар бир туман ва шаҳар учун 6 млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорларда бевосита фуқаролар

томонидан билдирилган таклифларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланмоқда. Бунинг учун кейинги йил бюджет лойиҳасида 2,0 трлн сўм маблағ режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Обод қишлоқ ва Обод маҳалла дастури учун режалаштирилаётган 4 трлн сўм маблағлар, шунингдек вилоят бюджетлари кўшимча манбаларининг 30 фоизи (1,7 трлн сўм) ҳам жамоатчилик фикри асосида йўналтирилиши кутилмоқда.²

“Бюджет очиқлиги индекси” (Open budget index) бўйича глобал миқёсда баҳолаб борувчи ташкилот Халқаро бюджет ҳамкорлик ташкилоти (International Budget Partnership) ҳисобланиб, Бош офиси Вашингтон (АҚШ)да жойлашган бўлиб, Гана, Индонезия, Кения, Нигерия, Сенегал ва Жанубий Африкада офислари мавжуд³.

Халқаро бюджет ҳамкорлиги (International Budget Partnership-IBP) ташкилотининг Бюджет очиқлиги ташабbusи доирасидаги Бюджет очиқлиги индекси (Open Budget Index-OBI) бюджет очиқлиги сўровномаси (Open Budget Survey-OBS) орқали мамлакатдаги бюджет маълумотларининг жамоатчилик учун очиқлиги ва ҳисобдор бюджет тизимларини тадбиқ қилишни ривожлантиришга қаратилган глобал тадқиқот ва тарғибот

² Фискал стратегия 2023-2025./Opendudget.uz - “Очиқ бюджет” ахборот портали -


³ <https://internationalbudget.org/> - Халқаро бюджет ҳамкорлик ташкилоти (International Budget

Partnership) расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди

дастуридан иборат. Ушбу ташкилот 2006 йилда 59 бошланган Бюджет очиқлиги сўровномаси (Open Budget Survey-OBS) дунёдаги ягона мустақил, таққосланадиган ва фактларга асосланган тадқиқот воситаси бўлиб, 2021 йилга келиб 120 давлатни қамраб олиб, мамлакатларда молиявий ресурслар бошқаруви ва ҳисобдорликнинг муҳим жиҳатларини ўлчайди.

Бюджет очиқлиги сўровномаси (Open Budget Survey-OBS) 2021 натижаларига кўра глобал шаффоффликнинг ўртача кўрсаткичи 100 баллдан 45 фоизни ташкил қилиб, сўровнома ўтказилган мамлакатларнинг

деярли 70 фоизида етарли даражада балл тўпламаганлигини кўриш мумкин. Бунга асосий сабаб сифатида, бюджет ҳужжатлари асосий қисмларининг тахминан учдан бир қисми жамоат учун мавжуд эмаслиги, нашр этилган ҳужжатларда кўпинча муҳим маълумотлар, жумладан, бюджетнинг ижроси, бюджет харажатлари самарадорлиги натижалари, давлат қарзи ва фискал рисклар, камбағалликка қарши курашишда сарфланадиган харажатлар ва харажатлар таснифининг мавжуд эмаслигини кўрсатиш мумкин.



Бюджет очиқлиги сўровномаси 2021: Бюджет шаффоффлиги кўрсаткичлари (Бюджет очиқлиги индекси)

- Кенг қамровли маълумотлар мавжуд (81-100)
- Чекланган маълумот мавжуд (41-60)
- Маълумот кам ёки мавжуд эмас (0-20)

- Муҳим маълумотлар мавжуд (61-80)
- Мавжуд минимал маълумотлар (21-40)
- Сўровномада баҳоланмаган



1-расм. Дунё мамлакатларининг бюджет очиқлиги индекси (Open Budget Index-OBI) 2021 натижалари⁴

“Бюджет очиқлиги индекси” (Open budget index) йиллик ҳисоботларида энг юқори кўрсаткичли мамлакатларнинг Топ 10 талик мамлакатлар рўйхатидан асосан Океания ва Африка ва бошқа минтақалар, жумладан Европа ва Америка минтақаларидан ҳам ўрин олган бўлиб, Кенг камровли маълумотлар мавжуд мамлакатлар (81-100) қаторига Грузия, Жанубий Африка, Янги Зелландия, Шеция, мексика ва Норвегия дастлабки ўринларни эгаллаган. МДҲ мамлакатлари рейтинги бўйича Россия (14), Қирғизистон (30), Қозоғистон (28), Молдова (22), Озарбайжон (44), Тожикистон (101) ўринларни эгаллаган. Ушбу рейтингда энг паст рейтингдаги 5 та мамлакатлар сафиға Судан (113), Қатар (114), Венесуела (115), Коморос (115), Яман (115) киради.

Бюджет очиқлиги индекси (Open Budget Index) ни тузиш методологияси экспертлар гурухи (тадқиқотчилар) томонидан тузиладиган ва тадқиқот ўтказиладиган мамлакат фуқаролари томонидан тўлдириладиган, 228 та саволни ўз ичига оладиган махсус сўровномага (Open Budget Survey-OBS) асосланади.

Бюджет очиқлиги сўровномаси (Open Budget Survey-OBS) саволларига саволнома

ўтказилаётган мамлакатдаги фуқаролик жамиятидан бўлган тадқиқотчилар ёки академик муассасалардан бўлган тадқиқотчилар жавоб беради.

Бюджет очиқлиги сўровномаси (Open Budget Survey-OBS) бюджет ҳисобтининг қуидаги учта компоненти бўйича дунё мамлакатларига ягона қиёсий баҳо беради.

– бюджет маълумотларнинг жамоатчилик учун очиқлигини, давлат молиясини жалб қилиш ва сарфлаш (жараёнининг) шаффофлигини

– Бюджет қарорларини қабул қилишда фуқароларнинг иштирок этиш имкониятлари ва бюджет бўйича маълумотларнинг жамоатчилик учун очиқлигини

– Қонун чиқарувчи ва аудиторлик органларининг назоратини. Ўзбекистон Республикаси мисолида, Олий мажлис, Ҳисоб палатаси ва Вазирлар маҳкамаси ва Молия вазирлиги каби ташкилотларнинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолайди.

Баҳолаш жараёнида сўровномада қонунда белгиланган талаблардан кўра аксарият ҳолларда уларнинг амалда қўлланилиши кўпроқ назарда тутилади.

Бюджет очиқлиги сўровномаси (Open Budget Survey-OBS) саволлари кўп томонлама халқаро ташкилотлар томонидан

⁴ <https://internationalbudget.org/> - Халқаро бюджет ҳамкорлик ташкилоти (International Budget Partnership) расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди

ишлиб чиқилган амалиётларига яъни Халқаро валюта жамғармаси (IMF)нинг “Фискал шаффофлик бўйича илғор амалиётлар кодекси”, Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик ташаббуси (Жаҳон банки), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг “Фискал шаффофлик бўйича энг яхши амалиётлар” ва Олий аудит органлари халқаро ташкилоти

(INTOSAI)нинг кўлланмасидаги бўйича Лима декларация”ларига таянади.

Бюджет очиқлиги сўровномаси (Open Budget Survey-OBS)нинг таркиби тўртта компонент бўйича саволларга жавоб олинади.



2-расм. Бюджет очиқлиги сўровномаси (Open Budget Survey-OBS)нинг таркибий компонентлари⁵.

109 савол - Бюджетнинг шаффофлиги кўрсаткичи: давлат маблағлари бюджет йилида қандай шаклланганлиги, режалаштирилганлиги ва сарфланганлиги тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи жами саккизта асосий бюджет ҳужжатларини

жамоатчилик учун очиқлигини баҳолайди. Асосий бюджет (8 та) ҳужжатларини нашр қилиниши, ўз вақтида жамоатчилик эътиборига етказилишини баҳолайди (1-жадвал).

⁵ <https://internationalbudget.org/> - Халқаро бюджет ҳамкорлик ташкилоти (International Budget Partnership) расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди



1-жадвал.

Бюджет очиқлиги индекси (Open Budget Index-ОВІ)нинг кўрсаткичини аниқлашда жамоатчиликка очиқлиги баҳоланадиган асосий бюджет хужжатлари⁶

№	Бюджет хужжатлари	Нашр қилиш муддати	Саволлар сони
1	Бюджет лойиҳаси	Бюджет лойиҳаси бўйича таклифини кўриб чиқиш учун қонун чиқарувчи органга тақдим этилишидан камида бир ой олдин нашр қилиниши керак.	6 та савол
2	Бюджет ижроси тақлифи (бюджетнома)	Қонун чиқарувчи ҳокимият уни кўриб чиқаётганда ва уни тасдиқлашдан олдин нашр қилиниши керак.	54 та савол
3	Тасдиқланган бюджет	Бюджет Қонун чиқарувчи орган томонидан тасдиқлангандан сўнг уч ойдан кечиктирилмай нашр қилиниши керак.	6 та савол
4	Фуқаролар учун бюджет	Бюджет ижроси лойиҳаси билан бир вақтнинг ўзида нашр қилиниши керак.	4 та савол
5	Даастлабки хисобот	Ҳисобот даври тугаганидан кейин уч ойдан нашр қилиниши керак.	9 та савол
6	Ярим йиллик хисобот	Ҳисобот даври тугаганидан кейин уч ойдан кечиктирилмасдан нашр қилиниши керак.	9 та савол
7	Йил якуни хисоботи	Фискал йил (хисобот даври) тугаганидан кейин 12 ойдан кечиктирилмай нашр қилиниши керак.	14 та савол
8	Аудит хисоботи	Фискал йил (хисобот даври) тугаганидан кейин 18 ойдан кечиктирилмасдан нашр қилиниши керак.	7 та савол
		Жами саволлар сони:	109 та савол


18 та савол - Жамоатчилик иштирокини баҳолаш: сўровда ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва олий аудит ташкилотларининг ҳар бири бюджет жараёнининг турли даврларида жамоатчиликни жалб қилиш имкониятларини таъминлаганлиги баҳоланади.

18 та савол - Бюджет назоратини баҳолаш: сўровда қонун чиқарувчи ва олий аудит ташкилотларининг бюджет жараёнида тутган ўрни ва уларнинг

бюджет устидан қатъий назоратни амалга ошириш имкониятлари баҳолайди.

Баҳоланмайдиган саволлар: 83 та баҳоланмайдиган саволлар Бюджет очиқлиги сўровномаси (OBS) тадқиқотини асосий бюджет хужжатлари тўғрисида маълумот тўплаш ва мамлакат давлат молиясини бошқариш хусусиятларини ўрганиш орқали баҳолашга ёрдам беради.(2-расм)

⁶ Open Budget Survey 2021. www.internationalbudget.org/open-budget-survey - асосида тайёрланди.



З-расм. Бюджет очиқлиги индекси (Open Budget Index-OBI) 2021 натижалари⁷

“Бюджет очиқлиги индекси” (Open budget index) глобал миқёсда баҳолаб борувчи ташкилот Халқаро бюджет ҳамкорлик ташкилоти (International Budget Partnership) тонидан ижобий баҳолаш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

Дунёнинг деярли ҳар бир минтақасида ахолига етарли бюджет маълумотларини тақдим этадиган бир қанча давлатлар мавжуд бўлиб, Грузия, Индонезия, Доминикан Республикаси, Бенин ва Иордания каби давлатлар сўнгги бир неча йил ичida Халқаро бюджет ҳамкорлик ташкилоти (International Budget Partnership) тонидан берилган тавсияларни ва чоратадбирларни амалга ошириш

натижасида шаффоффлик кўрсаткичларини 61 бал ёки ундан юқори даражага кўтаришга муваффақ бўлиб юқори баҳолашга эришди. Таъкидлаш зарурки, мамлакатларининг ривожланиш даражаси, қандай минтақада жойлашганлиги ёки даромад миқдоридан қатъий назар ушбу ислоҳотларни барча давлатларда қўллаш имконияти мавжуд ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу чоратадбирлар амалга оширилиб 2023 йилдаги “Бюджет очиқлиги индекси”ни аниқлашда бюджет очиқлиги сўровномасида (Open Budget Survey-OBS) юқори кўрсаткичларга эришишга ҳаракат

⁷ <https://internationalbudget.org/> - Халқаро бюджет ҳамкорлик ташкилоти (International Budget Partnership) расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди



қилмоқда. Сўровномада ижобий баҳоланиш учун бюджет маълумотларини етарли даражада таъминлашда мамлакатларда амалга

ошириши зарур бўлган ҳаракатлар бўйича умумий тавсияларни қуидагилардан иборатдир.(4-расм)



4- расм. Халқаро бюджет ҳамкорлик ташкилоти (International Budget Partnership) тонидан амалга ошириш зарур бўлган тавсиялар⁸

⁸ <https://internationalbudget.org/open-budget-survey/roadmap-to-61> - Халқаро бюджет ҳамкорлик ташкилоти (International Budget Partnership) тонидан амалга ошириш учун тавсиялар маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



Хулоса сифатида, Ўзбекистон Республикаси ҳам бюджет очиқлиги сўровномасида (Open Budget Survey-OBS) ижобий баҳоланиб, “Бюджет очиқлиги индекси”да (Open budget index) етакчи мамлакатлар қаторига кўшилиши, молиявий шаффоффликни ошириши ва бюджет маълумотларидан фойдаланувчилар учун фойдаланиш қулайлиги ва янгиланишини таъминлаш учун куйидагиларни тавсия этамиз:

Биринчидан, маълумотлар чоп этиладиган шакл ва услубларни доимий тарзда такомиллаштириб бориш зарур ҳисобланади.

Иккинчидан, чоп этилаётган маълумотларини кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини яхшилаш;

Учинчидан, жамоатчилик ва тадқиқотчилар фойдаланиш даражасини кенгайтириш учун маълумотларни узвий кетмакетликни таъминлаш асосида бирлаштириш хамда жамоатчиликка ҳавола этиладиган бюджет маълумотларининг тафсилотларини тақдим этиш;

Тўртинчидан, алоқа каналларини такомиллаштириш ва кенгайтириш учун янги технологиялардан фойдаланишни оптималлаштириш, улар томонидан аҳолига тақдим этилаётган бюджет ахборотининг ҳажми ва сифатини яхшилаш ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси
2. 2020 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 506-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4966572>
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “Солик ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-812-сонли Конуни. <https://lex.uz/docs/6333246>
4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли Конуни. <https://lex.uz/uz/docs/6333240>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.08.2022 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «Очиқ мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-364-сон қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2018 йилдаги “Махаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада



Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 6, December 2022. ISSN: 2181-1016

рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5587-сонли Фармони,
<https://lex.uz/docs/4085146>

7. Комилов М.М. Қўшилган қиймат солиги маъмурчилигини такомиллаштириш – бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш омилидир. Иқтисодиётда инновациялар - Инновации в экономике - Innovations in economy №5|2020

8. Турабов У.Т. Республикаизда тадбиркорларга берилаётган солик имтиёзлари маъмуриятчилигини такомиллаштириш //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2022. – Т. 10. – №. 6. – С. 409-417.